

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сироваткин А.Н. Деструктивное влияние нетрадиционных религиозных движений на духовную безопасность современного российского общества // диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук: 09.00.11 – Пятигорск 2013. С-3.
2. Чернишев В. Секта и личность: психологические механизмы влияния // <https://pravlife.org/ru/content/sekta-i-lichnost-psihologicheskie-mehanizmy-vliyaniya>
3. Полонский И. Секты как угроза национальной безопасности России. Военное обозрение. // <https://www.topwar.ru/82297-sekty-kak-ugroza-nasionalnoy-bezopasnosti-rossii>

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/011>

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАСАВВУФ МАКТАБЛАРИНИНГ**

### **ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ**

**Хатамов Тохир Абдумуталович**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Ислом оламида тасаввуф тараққиёти бир неча босқичларни босиб ўтган бўлиб, жумладан, VIII-IX асрлар “Зоҳидлик даври”, IX-XI асрлар “Сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври”, XII асрдан кейин “Сўфийлик тариқатлари даври” илмий тадқиқотларда

таъкидланади[1:12]. Мовароунарда ушбу босқичларни босиб ўтган, асосан учта сўфийлик мактаби машхур бўлиб, уларнинг шаклланиш жараёни асосан XII-XIII асрларга тўғри келади. Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқат мактабларини айнан ушбу даврларда шаклланган тариқатлар сифатида айтишимиз мумкин, аммо минтақамизда кенг миқёсда тарқалмаган бўлсада, ўзига хос назарий, ғоявий йўналишларига эга бўлган Ҳакимия, Сайёрия каби тариқат мактаблари ҳам бўлган[1:49]. Шунингдек, бошқа минтақаларда вужудга келиб бизнинг юртларда ҳам эҳтиром этилган Қодирия, Сухравардия, Маломатия каби тариқатлар ҳам ўз фаолиятини кўрсатган.

Минтақамизда кенг миқёсда тарқалган дастлабки тариқатлардан бири Яссавийлик бўлиб, бу тасаввуф мактаби асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида аждодимиз Хожа Аҳмад Яссавий илмий-маърифий меросига юксак эҳтиром сифатида 1993 йил “Аҳмад Яссавий йили” дея эълон қилинди[6:1]. Нима учун 1993 йилга Хожа Аҳмад Яссавий номи берилди, чунки собиқ шўролар тузуми даврида миллий тарихимиз кўплаб бўхтон ва чекловларга учради, шу жумладан бобомиз Хожа Аҳмад Яссавийнинг илмий-маърифий мероси ҳам бу даврда қораланди. Фақатгина истиқлол шарофати сабабли юртимизда аллома меросини қайта тиклаш, ўрганиш ва халқимизга етказиш имкони вужудга келди.

Яссавийлик шўролар таъкидлаганидек салбий таълимот эди-ми ? Аслида бу қандай тариқат эди. Яссавийлик таълимоти XII асрда шаклланган бўлиб, бу тариқат асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий 1105-

1166/67 йиллар оралиғида яшаб ўтганлиги күплаб тарихий манбаларда таъкидланади. Хожа Аҳмад Яссавий Туркестонда дастлабки таълим тарбияни олганидан сўнг Бухорога келиб Хожа Юсуф Ҳамадонийдан таълим-тарбия олади, ҳатто маълум вақт Бухорода иршод билан шуғулланади, кейинчалик Туркестонга кўчиб ўтиб Яссавийлик тариқатига асос солади[4:15]. Яссавия тариқатининг минтақамизга хос хусусиятларидан бири туркий забон инсонларнинг бу тариқатда кўп эканлиги, Хожа Аҳмад Яссавийнинг ўзлари ҳам туркий тилда шеърлар - “Хикмат”лар айтгани маълум ва машхур.

Шу жумладан, Хожа Аҳмад Яссавийнинг машхур шогирдлари ва кейинги асрлардаги давомчилари сифатида Мансур Ота, Сайд Ота, Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким Ота), Садр Ота, Сўфий Муҳаммад Донишманд Зарнуқий, Бобо Мочин, Занги Ота, Амир Али Ҳаким, Луқмон Парранда, Имом Марғозий, Ҳасан Булғорий Абдумалик Ота, Хожи Бектош Вали, Тож Хож, Узун Ҳасан Ота, Сайид Ота, Исмоил Ота, Исҳоқ Хожа, Айман Бобо, Шайх Али Ота, Мавдуд Бобо, Бадр Ота, Халил Ота, Қусам шайх, Шайх Худойдод Вали каби алломаларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Ушбу алломалар Яссавия тариқатини янада такомиллаштириш, Марказий Осиё ва дунё бўйлаб тарқалишида катта хизматларни амалга оширишган[4:17].

Яссавийликдаги “Хикмат” айтиш анъанасини Сулаймон Боқирғоний ҳам давом эттириб сўфиёна ҳикматларга асосланган “Боқирғон китоби” номли асарини ёзган. Деярли аксарият Яссавий алломаларида сўфиёна ҳикматларни ёки Хожа Аҳмад Яссавий

“Хикмат”ларини айтиш анъанавий жараёнга айланган. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавийдан бир неча асрлар кейин яшаб ўтган машхур авлиё Шайх Худойдод Вали (1461-1532 йиллар) фаолиятида ҳам сўфиёна хикматлар мавжудлигини қўрамиз.

Хожа Аҳмад Яссавий қаламига мансуб кўплаб асарлар мавжуд бўлиб, бугунги кунга келиб ҳам алломанинг янги асарлари топилмоқда. Яссавийшунос олимлар Хожа Аҳмад Яссавий қаламига мансуб ўндан ортиқ асарларни санаб ўтишган. Жумладан, “Девони хикмат”, “Рисола дар одоби тариқат”, “Фақрнома”, “Дафтари аввал”, “Хикояти меърож”, “Муножотнома”, “Қиссаи Нўймон ибн Собит”, “Қиёматнома”, “Нажоту-з-зокирин”, “Танбеху-з-золлин”, “Танзилу-с-солиҳин” каби асарлари фан томонидан аниқланган асарлари ҳисобланади[5:320].

Марказий Осиёдаги яна бир машхур тариқат Кубровийлик бўлиб, бу тариқати асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро 1145-1221 йилларда яшаб ўтган, бу вақтда Хоразмшоҳлар давлати ўз қудрати чўққисига чиққан ва таназзулга учраган давр ҳисобланди. Шайх Нажмиддин Кубро номи тарихий манбаларда “Абулжанноб”, “Нажмиддин”, “Кубро”, “Валийтарош” каби лақаб, унвон ва кунялар билан берилган[2:403].

Шайх Нажмиддин Кубро шарқнинг турли шаҳар ва минтақаларида таълим олганидан сўнг Хоразмга 1185 йил қайтиб келади ва хонақоҳ қурдириб ўз тариқати Кубровийликка асос солади. Аллома асос солган мактабда кўплаб шогирдлар тарбияланди, жумладан, Шайх Мажидиддин Боғдодий, Шайх Фаридиддин Аттор, Султонул уламо

Шайҳ Баҳовуддин Валад, Шайҳ Саъдиддин Ҳамавий, Шайҳ Сайфиддин Боҳарзий, Шайҳ Жалолиддин Гейлий каби шарқнинг машҳур инсонларини келтириб ўтишимиз мумкин[2:406].

Шайҳ Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллик юбилейи 1995 йилда мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди, қатор рисола ва мақолалар чоп этилди. Аллома ўндан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, жумладан, “Фи-одобус соликин” (“Соликлар одоби ҳақида”), “Рисола аттул хайф ул-хоим ан лавмат ил-лоим” (“Кўрқувчи оворалар ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида”), “Фавойиҳул жамол” (“Гўзалликни эгаллаш”), “Рубойлар тўплами”, “Фавойиҳул жамол ва фавотиҳул жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал-ашара” (“Ўнта усул”), “Рисола ат-турӯқ номли” асарларида Аллоҳни таниш, илм-маърифатни эгаллаш, ҳалоллик ва мардлик каби ижобий фазилатларни баён этган[7:1].

Кубровийлик тариқати ўн асосга эга бўлиб, муридлар ушбу ўн қоида асосида тарбияланган. Жумладан: 1. Тавба, 2. Зухд фи-дунё, 3. Таваккал, 4. Қаноат, 5. Узлат, 6. Мулозамат аз-зикр (узлуксиз зикр), 7. Таважжух, 8. Сабр, 9. Муроқаба (тафакурга ғарқ бўлиш), 10. Ризо бу ўнта руҳий тарбия қоидалари воситасида солик камолотга эришиб борган[2:420-421].

Мўғул босқинидан сўнг Кубровийлик тариқати таназзулга юз тутгандек кўринсада, Шайҳ Нажмиддин Кубро издошлари Чифатой улуси даврида ҳам Кубровийлик мактаби фаолиятини давом эттирдилар. Жумладан, Бухорода Сайфиддин Боҳарзий (1190-1261

йиллар) фаолияти жуда ёрқин бўлиб, бу аллома хизматлари натижасида мўғул ҳукмдори Беркахон (1209-1266 йиллар) ислом динини қабул қиласди, шу даврдан бошлаб алломага бўлган эҳтиром юзасидан Бухорага “Шариф” номи ҳам қўшилади.

Яссавия тариқати билан бир даврнинг ўзида шаклланиш босқичларини босиб ўтган, Хожагон-Нақшбандия тасаввуф мактабининг тизимли шаклланиш жараёни XII-XIII асрларда бошланди. Бу таълимотга Абдухолик Фиждувоний (1103-1179) асос солгани қатор тарихий манбаларда таъкидлаб ўтилади. Шу ўринда Хожагон-Нақшбандия тариқати ҳақида тўхталганда, бу тариқатнинг дастлабки асосчиси сифатида аллома Абдухолик Фиждувоний ёки бу алломанинг устози Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1140 йиллар) номи ҳам бирга таъкидланади, Нақшбандийликдаги муридни тарбиялаш учун ишлаб чиқилган концептуал ўн бир қоидага эътибор қаратсак, ундаги дастлабки тўртта қоидага Хожа Юсуф Ҳамадоний асос солганини кўрамиз. Хожагон-Нақшбандия таълимоти устозлари ушбу тўртта қоидага, Абдухолик Фиждувоний томонидан тўртта, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) учта қоида қўшиб машҳур Хожагон-Нақшбандия тариқатига асос солишиди[3:37]. Хулоса сифатида ушбу тариқатнинг асосчиси дея Хожа Юсуф Ҳамадонийни айтишимиз мумкин.

Бу тариқат нима учун дастлаб Хожагон-Нақшбандия сўнгра Нақшбандия дея номланди, агар тариқатнинг ривожланиш босқичларига эътибор қаратсак, ушбу мактаб бир қанча номлар билан

аталганини кўрамиз. Жумладан, “Сиддиқия”, “Тайфурия”, “Хожагония”, “Нақшбандия”, “Нақшбандия– Ахория”, “Нақшбандия – Мужаддидия”, “Нақшбандия – Мазҳария”, “Нақшбандия – Холидия” хозирда “Нақшбандия” номи билан аталмоқда.

Нақшбандия тариқатини XXI асрда дунё тариқатлари ўртасида энг катта нуфуз ва таъсирга эга тасаввуф мактаблардан бири сифатида айтишимиз мумкин. Жумладан, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия, Малайзия, Эрон, Туркия, Кавказорти, Россия, Яқин Шарқ, Африка ва Араб мамлакатларига ҳам етиб борганлиги, бу тариқатнинг қанчалик халқчил бўлганини кўрсатади [3:147]

Ушбу мактаблар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, устоз-шогирд муносабатлари ва ғоявий уйғунликлар кўплаб учрайди. Масалан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Яссавий шайҳларидан Қусам шайҳдан маълум вақт таҳсил олади. Яссавийлик тариқати вакили Шайҳ Ҳудойдод Вали ва Нақшбандий шайҳи Махдуми Аъзам ўзаро биродарлик, ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишиган, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдухолик Ғиждувоний битта устоздан - Хожа Юсуф Ҳамадонийдан тариқат сабоқларини олишган. Ушбу тариқатлар силсиласига эътибор қаратсак охир-оқибат барчаси пайғамбаримиз Мұхаммад салаллоҳу алайҳи вассаламда бориб учрашганини кўрамиз, бундан хулоса қилишимиз мумкинки асл тасаввуф мактаблари ислом шариати, аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувоғиқ равишда ўз тариқатларига асос солишган ва инсонларни тарбиялашган[3:145].

## **Адабиётлар рўйхати**

1. К.Рахимов. Мовароунаҳр тасаввуфи тарихи: Таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020.
2. Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr. 2009.
3. F.Раззоқов, K.Рахимов. – Хожагон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. Тошкент: O'zbekiston. 2020.
4. Абдураҳмон Гўзал. – Яссавий “Фақрнома”си Тошкент: “Наврўз”, 2014.
5. Н.Жабборов Хожа Аҳмад Яссавий / Тасаввуф атамалари –изоҳли луғат. Тошкент: Мовароунаҳр, 2015.
6. [www.mustaqillik.uz](http://www.mustaqillik.uz) – Мустақил Ўзбекистон солномаси портали.
7. [www.xorazmiy.uz](http://www.xorazmiy.uz) – Илмий-тарихий, ижтимоий-маърифий сайт

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/012>

## **ГЕГЕЛЬ ҚАРАШЛАРИДА ОИЛА ВА МУҲАББАТНИНГ СУБЪЕКТИВ ИРОДАЛАР ГАРМОНИЯСИ СИФАТИДАГИ ТАЛҚИНИ**

**Сайтмуродов Жобиржон Боймурод ўғли**

ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети “Фалсафа ва мантиқ”

кафедраси таянч докторанти

Оила Гегель учун объектив рух намоён бўлишининг дастлабки шакли ёки босқичидир. Оила ўзини алоҳидаликнинг ривожланиш